

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти**  
**Ягона акциядорининг**  
**6 – сонли қарори**

**2025 йил “ 5 ” декабрь**

**Тошкент шаҳри**

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) барча 15 077 622 574 дона акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, Жамият Устави ҳамда Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 ноябрдаги 23-сон йиғилиш баённомасига мувофиқ, қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:

***КУН ТАРТИБИ:***

- 1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.**
- 2. Жамият ижро органининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**
- 3. Жамиятнинг “Бошқарув тўғрисида”ги Низоми янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.**

***Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:***

Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 ноябрдаги 23-сонли мажлис баёни билан Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси маъқулланган.

Жамиятнинг ташкилий тузилмасига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш таклифи қилинган:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги **ПФ-70-сонли** “2025 йил учун хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги Фармонининг 4-банди б-кичик бандида давлат иштирокидаги йирик корхоналарда трансформация бўйича ўринбосар лавозимини молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосар лавозимига ўзгартириш чораларини кўриш белгиланган.

Шунга кўра, **2026 йил 1 январдан** Жамиятда “Бош директорнинг иқтисод ва молия бўйича ўринбосари” лавозимини қисқартирган ҳолда, “Бош директорнинг халқаро молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари” лавозимининг номланишини **“Бош директорнинг молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари”**га ўзгартириш ва Бошқарув таркибига киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги **ПФ-178-сонли** “Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига рақамлаштиришни кенг жорий этиш ҳисобига бошқарув штат бирликлари сонини мақбуллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармонининг саккизинчи бандига кўра устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишида, шунингдек, давлат корхоналари бошқарув органларида камида бир нафардан **раҳбар ўринбосари лавозимларини қисқартириш** белгиланган.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, 2026 йил 1 январдан Жамиятнинг **“Бош директорнинг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари”** лавозимини қисқартириш, шунингдек, **“Маъмурий масалалар департаменти”** ҳамда **“Инсон ресурслари (HR) департаменти”**, Тошкент ҳамда Москва шаҳарларидаги ваколатхоналарини Бошқарув раиси – Бош директор бўйсунувига ўтказиш;

3) Геология қидирув ишлари борасидаги ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида, “Ресурслар департаменти” таркибидаги “Янги ресурс лойиҳаларини ривожлантириш бўлими” ҳамда “Геология-қидирув ишларини назорат қилиш хизмати”ни қисқартириб, Бошқарув раиси - Бош директор бўйсунувидаги алоҳида **“Қидирув ва разведка департаменти”**ни ташкил этиш;

4) “Бош маркшейдер хизмати”ни **“Кон ишлари департаменти”** таркибидан чиқариб, тўғридан- тўғри Бош муҳандис бўйсунувига ўтказиш.

5) Жамият ташкилий тузилмасида кўрсатилган номланишларни халқаро тажриба билан мувофиқлаштириш мақсадида, “Харидларни ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бош бошқармаси” номини **“Харидлар департаменти”** деб ўзгартириш;

6) Жамият ташкилий тузилмасидаги **“3-сонли автобаза”** бўлинмасини **“Қизилқум кон бошқармаси”** таркибига киритиш;

7) **“Меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология (ESG) департаменти”**ни Бош муҳандис бўйсунувидан Бошқарув раиси-Бош директор бўйсунувига ўтказиш ҳамда **“Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бош бошқармаси”**ни алоҳида бўлинма сифатида ташкил этиш.

Жамият ташкилий тузилмасига киритилаётган барча ўзгартиришлар Жамиятнинг умумий штатлар сони доирасида амалга оширилади.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 1 - сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2026 йил 1 январдан кучга кирсин.

***Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:***

Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 ноябрдаги 23-сонли мажлис баёни билан 2026 йил 1 январдан Жамият Бошқарувининг қуйидаги янги таркиби маъқулланган:

- Бошқарув раиси – Бош директор;
- Бош муҳандис;
- Бош директорнинг молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари;
- Бош директорнинг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари;
- Бош юрисконсульт.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ Жамият ижроия органини тузиш Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасидан келиб чиқиб, 2026 йил 1 январдан Бошқарувнинг қуйидаги таркиби тасдиқлансин:

- Бошқарув раиси – Бош директор;
- Бош муҳандис;
- Бош директорнинг молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари;
- Бош директорнинг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари;
- Бош юрисконсульт.

**Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:**

Жамият Акциядорлар умумий йиғилишининг 2024 йил 28 июндаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган “Бошқарув тўғрисида”ги Низомнинг 3.3-бандида Бошқарув 6 (олти) нафар аъзодан ташкил топади деб кўрсатилган.

Кузатув кенгашининг 2025 йил 14 ноябрдаги 23-сон мажлис баёни билан маъқулланган янги ташкилий тузилмага мувофиқ, 2 нафар Бошқарув аъзоси қисқараётганлиги муносабати билан ушбу Низомнинг 3.3 ва 5.5.1-бандларига тегишли ўзгартиришлар киритиш таклифи билдирилган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

3.1. “Бошқарув тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳрири 2-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда 2026 йил 1 январдан кучга киритилсин.

3.2. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Жамият Бошқарув раиси – Бош директор Қ. Санақулов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Иқтисодиёт ва молия вазири**  
**ўринбосари**



**Х. Мустафаев**